

Хўжаобод туман

ХЎЖАОБОД ТУМАНИ ҲАҚИДА

1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган. 1973 йилда туман таркибидан Жалақудук тумани, 1992 йилда Булоқбоши тумани ажралиб чиққан. Хўжаобод тумани шимолий-шарқдан Жалуқудук, шимолий-ғарбдан Андижон, ғарбдан Булоқбоши туманлари, шарқ, жануб ва жанубий-ғарбдан Ўирғизистон билан чегароадош. Майдони 0,23 минг кв. км. Ахолиси 86,6 минг кишидан зиёд. Туманда 1 та шахар (Хўжаобод), 4 та қишлоқ фуқаролар йигини (Бирлашган, Манак, Олтин водий, Хўжаобод) бор. Маркази - Хўжаобод шахри.

Табииати: Туман худуди Фарғона водийсининг жанубий-шарқий қисмида жойлашган. Жанубда Помир-Олой тизмаларининг Чилустун ва Ўиртоштоғ тоғлари бор (энг баланд жойи 1457 м). Шимолий-ғарбий қисми адирлардан иборат. Ўолган қисми пасттеккислик. Фойдали қазилмалардан нефт ва газ, оҳактош, шағал, харсангтошлар бор. Иклими кескин континентал. Йиллик ўртача харорат 13,1 даражада. Июлда ўртача 26,7, энг юқори харорат 45 даражада. Январнинг ўртача харорати эса минус 3,5, энг паст харорат минус 26 даражада. Йилига 300-330 мм ёғин тушади. Экинзорлар Шахрихонсой, Оқбурасой, Аравонсой, Савой ва Жанубий Фарғона каналларидан суғорилади. 5 та сув чиқариш иншооти бор. Тупроқлари, асосан, маданий воҳа тупроғи бўлиб, қадимда дехқончилик билан шуғулланилган. Адир этакларида оч ёки типик бўз тупроқлар тарқалган. Ёввойи ўсимликлардан ранг, кўнгирбош, шайтонкавуш, оқкурай, оқшувоқ, мингбош, қизил биорғун, қамиш ва бошқалар ўсади. Ёввойи хайвонлардан қуён, тулки, ёвойи мушук, бўрсик, бўри, жайра, қўшоёқ, қўрсичқон, қаламуш; қушлардан каклик, бедана, какку, чуғурчик, зағизгон, майна, зарғалдок, сўфитурғай, жиблажибон, капитар, читтак, ўрдак, зогча, кўккарға, сассиқпопишак, қизилиштон, қарқунок, бургут, итолғи, буқтарги ва бошқалар; судралувчилардан калтакесак, илон кўп. Сув хавзаларида хар хил балиқлар (лаққа, дўнгпешона, карп, қора балиқ, сазан ва бошқалар) бор. **Ахолиси:** асосан ўзбеклар, шунингдек тоҷик, рус, татар, кирғиз, уйғур, турк, озарбайжон, корейс ва бошқа миллат вакиллари яшайди. Ахолининг ўртача зичлиги 1 кв. км.га 378 киши.

ХЎЖАОБОД ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ

Ҳокими: Қирғизбоев Қобилжон Аҳмедович

Иш вазифаси: Туман ҳокими туманда олий мансабдор шахс боълиб, айни бир вақтда ҳудудда вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Оъз ваколатларини яккабошчилик асосида амалга оширади. Шаҳар ҳокими Озбекистон Республикаси Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тоъгрисида» ги Озбекистон Республикаси Ўонуни, Озбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокими қарорлари билан белгиланган ваколатлар доирасида ижроия ҳокимияти фаолиятини ташкил этади.

Иш кун вақти ва тартиби: 09:00-18:00 // Обед 13:00 дан 14:00 гача

 EXA Hojaobod.t@exat.uz  e-mail: Hojaobod@andijan.uz

Мурожаатлар учун: 0  (374) 741-21-15  ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ: 0  (374) 741-21-15

WEB SITE: www.xojaobod.andijan.uz

ХЎЖАОБОД ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ  НИЗОМИ 